Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 14 февраль, № 31 (5705) Пайшанба

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 208,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу эса Оролбўйида кичик бизнеснинг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Кредит кўмак берди

Хусусан, тадбиркор Мурод Шимбергенов Нукус шаҳри марказида хориж технологияси асосида “Лесстройторг” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда 40 киши меҳнат қилаётган мазкур тадбиркорлик жамоаси томонидан ойига ўртача 50 миллион сўмлик дарвоза, эшик, паркет пол, дераза панжараси каби ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

— Банкнинг 300 миллион сўмлик маблағи ҳисобига корхонамизга хорижнинг замонавий ускуналарини келтириб ўрнатдик, — дейди тадбиркор. — Маҳсулотларимизни, асосан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уйларга етказиб бераяпмиз. Ўтган йили ана шундай объектларга 500 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш материаллари етказиб бердик.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Изланиш шарофати

Якунланган йилда Навоий вилоятида амалга оширилган 256 та истиқболли лойиҳа шарофати билан 3,1 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Мазкур мақсадлар рўёби учун жами 31,1 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилди.

Хусусан, Навоий шаҳрида фаолият юритаётган “Navoiy Metal Mash” масъулияти чекланган жамияти замонавий иссиқхона мажмуасини бунёд этди. Бунинг учун қарийб 1 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

— Бир гектарлик иссиқхонада сабзавот маҳсулотлари сўнгги технология асосида, яъни гидропоник усулда етиштирилмоқда, — дейди “Navoiy Metal Mash” масъулияти чекланган жамияти директори Алишер Эшонхўжаев. — Бу технологиянинг афзаллиги шундаки, тупроқдан фойдаланилмаган ҳолда маҳсулот томчилатиб суғориш йўли билан парваришланади. Бунда сув ва энергия сарфи 80 фоизгача тежалиб, қўл меҳнати 70 фоизгача камаяди. Автоматлаштирилган бошқарув ҳамда иқлимни назорат қилувчи компьютер қурилмаси эса иш самарадорлигини оширмоқда.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сифат ва суръат уйғунлиги

Боёвут туманида якунланган йилда умумий қиймати 6,1 миллиард сўмга тенг 38 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши туфайли 840 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Жўлангар қишлоғида фаолият юритаётган “Орзу текс СВ” масъулияти чекланган жамиятига 500 миллион сўмлик инвестиция киритилди. Пировардида бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ўзлаштирилиб, йилига 500 минг донагача тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди. Қолаверса, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Тошкент вилоятидаги саноат корхоналарида ўтган йил мобайнида Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 55 та истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Бу 79 миллиард сўмлик янги турдаги маҳсулот тайёрлаш билан бирга, қарийб 40 миллион АҚШ долларилик валютани иқтисод қилиш имконини ҳам берди.

Хусусан, Зангиота туманидаги “Plastherm technology” қўшма корхонасида мазкур йўналишда 4 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Натижада бу ерда иссиқ сув ҳамда канализация тармоқларида фойдаланиладиган полипропилен ва поливинилхлорид қувурлар, шунингдек, чилангарлик ашёлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Ушбу маҳсулотларга ички бозорда талаб юқорилиги туфайли жамоа қисқа фурсатда қарийб 11,5 миллиард сўмлик буюртмаларни бажаришга муваффақ бўлди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Табиий газ тежалади

Ўтган йил якунига кўра, Бухоро вилоятида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 33 фоизга ошиб, 243,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Тадбиркорлар бу имкониятдан самарали фойдаланиб, ихчам ва тежамкор технологиялар харид қилишмоқда, модернизация ишларини амалга оширишмоқда. Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган “Масторум Саркор” масъулияти чекланган жамиятида ҳам шундай лойиҳалардан бири ҳаётга татбиқ этилди. Тадбиркор Эркин Муродов йилига 500 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий линия сотиб олди. Лойиҳа ташаббускорининг таъкидлашича, янги ускунада нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун нисбатан кам вақт сарфланади. Натижада табиий газни аввалгига қараганда камида 15 фоизга тежаш имконияти юзага келади. Бизнес лойиҳани амалга оширишда тадбиркорга банк томонидан ажратилган 80 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи қўл келди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқболли лойиҳалар, эзгу амалиётлар

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Хоразм вилояти иқтисодиётида ҳам жадал ривожланиш суръатлари кузатилмоқда. Вилоятда охирги беш йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга кўпайгани ана шундан далолат беради. Қолаверса, биргина ўтган йилнинг ўзида саноат йўналишида 87 та лойиҳа амалга оширилиб, бунинг учун 37 миллиард сўм ва 28,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилгани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг ноябрь ойидан эътиборан вилоят иқтисодиётида янги давр бошланди. Гап шундаки, Президентимизнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий қиёфасини яратиш, вилоятда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган “2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат воҳа аҳолисини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш, ишлаб чиқариш суръатларини юксалтириш, умуман, Хоразм вилоятининг қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилади. Чунки унда 2013 — 2015 йилларда жами 253 та янги лойиҳани юзага чиқариш, 462 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиш ва 9 мингга яқин янги иш ўрни яратишдек устувор вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

Ислоҳот

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Жорий йилнинг 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши соҳасидаги парламент назорати Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидованинг маърузасида Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш борасида тегишли ишларни амалга оширганлиги таъкидланди.

Шу туфайли ҳам Омбудсман фаолиятида ҳисобот даврида давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир қонун ҳужжатларининг риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини ошириш масалаларига катта аҳамият берилди.

Савол-жавоблардан сўнг Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг маърузаси атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокамада барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ўз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидладиларки, хусусан, давлат хизматчилари томонидан турли соҳаларда қонун ҳужжатларига риоя этилишини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларида фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланишини мониторинг қилиш 2012 йилда Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

Германия жамоатчилигида ўзбек халқининг маданияти ва тарихий меросига, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий тараққиётига нисбатан қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Қатор немис оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ҳамда унинг бағрида жойлашган кўҳна шаҳарлар, юртимизнинг сайёҳлик имкониятлари мавзуига тез-тез мурожаат қилаётгани ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари немис матбуоти саҳифаларида

Масалан, яқинда **Бранденбург федерал ерида нашр этиладиган “Мэркише Одерцайтунг” газетаси**да Самарқанднинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақола эълон қилинди. Ушбу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда қарор топган меъморий ёдгорликларга оид атрофлича маълумотлар ўз ифодасини топган мазкур мақолада Самарқанд “Буюк Ипак йўли жавоҳири” ва “Ўрта Осиёнинг энг гўзал маркази”, дея таърифланади.

Сўнгра нашр ўз ўқувчиларини шаҳар маркази бўйлаб “саёҳат”га чорлайди. Х. Тилике афсонавий Регистон майдони ҳақидаги таассуротларини қаламга оларкан, уни “Ер шаридаги энг чиройли зиёратгоҳлардан бири”, дея таърифлайди.

“Майдондаги меъморий ансамбль, яъни уч маҳобатли мадраса ўзига хос гўзал манзарани ҳосил қилган. Хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин, ҳар қандай инсон ушбу майдоннинг мўъжизавийлигини ҳар дамда ҳис қилади. Ноёб меъморий ёдгорликлардаги рангбаранг нақшлардан кишининг ақли шошади. Бу ерда сайёҳлар маҳаллий ҳунармандлар расталарига боришлари, ҳар кишининг таъбига мос келадиган совғаларни олишлари мумкин”, деб ёзади у.

Шунингдек, мақолада бугунги Самарқанднинг шимолий чеккасида жойлашган қадимги Афросиёб шаҳри ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Қарийб 3000 йиллик тарихга эга Афросиёб кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг муҳим маркази ҳамда етакчи боғловчи нуқтаси бўлгани таъкидланади.

Германияда чоп этиладиган яна бир нашр — “Лейпцигер Рундшау” газетасида эълон қилинган мақола эса “Гўё “Минг бир кеча”га мужассам ҳаққоний” деб номланади. Унда Ўзбекистоннинг очиқ осмони остидаги музей шаҳри — Хиванинг ноёб ва бетакрорлиги тафсилотлари қаламга олинган.

“Лой деворлар билан ўралган қадим шаҳарнинг ичига кирганингиздан сўнг ўзингизни гўё узоқ мозийга боргандек ҳис қиласиз. Эски шаҳар чеккасида қадимги қалъа — Кўҳна Арк қад ростлаган. Кўплаб бетакрор масжид ва мақбаралар, уларнинг ажиб нақшларию гумбазлари киши эътиборини оҳанрабодек ўзига тортади”, дея ёзилади нашрда.

«Жаҳон» АА.
Берлин

Анжуман

Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳарбий суд ва прокуратура, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

Эътироф этилганидек, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам юртимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ ушбу масалага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада, аввало, Ўзбекистон Республикасида таълимнинг қонуний асослари — инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза этиш бўйича қонунлар ҳамда миллий дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини айтиш зарур. Хусусан, Президентимизнинг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва бошқа ҳужжатларнинг мазкур йўналишдаги аҳамияти, айниқса, беқиёсдир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси эса жамиятда ҳуқуқий таълим ва маърифатни юксалтириш йўналишида янги босқични бошлаб берди. Зеро, унда жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ҳамда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамлар ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқлиги, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва етуклик кўрсаткичи эканлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

Йирик инвестиция объектлари

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йил давомида мамлакатимизда улардан

205 таси

қуриб битказилди.

Автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, газ-кимё, электр энергетикаси каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида муваффақиятли амалга оширилган ушбу йирик лойиҳалар саноат тармоқларини жадал ривожлантиришни, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, ўтган йили Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида оилавий тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг ҳолати ўрганилди, бу тадбир фуқароларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш самарадорлигини янада оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси фракцияси аъзолари 2012 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили манзилига фуқаролардан 12 мингдан зиёд мурожаат келиб тушганлигига эътиборни қаратдилар. Мурожаатларнинг барчаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилди. Бу фуқароларнинг мурожаатларида баён этилган далилларни чуқур таҳлил қилиш жойларда турли органлар ишидаги эҳтимол тутилган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш имкониятини яратиши билан боғлиқдир. Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишга доир фаолиятида яшашга, эркинлик ва шахсий дахлсизликка, суд ҳимоясига ва одил судловга бўлган конституциявий ҳуқуқларга риоя этилиши ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин тутади.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясидан сўзга чиққан депутатлар шуни таъкидладиларки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳисобот даврида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича ахборот-маърифий ишларга, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, аввало, таълим, фан ва маданият соҳаларида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини тушунтириш масалаларига катта эътибор қаратди. Чунончи, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили 2012 йилда ўз фаолияти билан боғлиқ мавзулар бўйича 50 дан ортиқ тадбирда иштирок этди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Омбудсманнинг амалдаги қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириши масалалари ҳақида сўз юритдилар. Бундай ҳамкорлик икки томонлама асосда ва халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш йўли билан амалга оширилган. Европа, Осиё, МДҲ мамлакатлари омбудсманлари билан амалий алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоларининг таъкидлашича, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида бундай назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирокини фаоллаштириш борасидаги ишларда фаол иштирок этди. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам фуқароларни ва уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини кенг тарғиб этиш йўли билан ана шу жараёнга фаол кўмаклашдилар.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади

Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан "Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш — бандлик ўсиши ва аҳоли даромадлари кўпайишининг муҳим омили" мавзуида семинар ўтказилди.

Семинар

Соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга бағишланган мазкур тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, маҳаллий ижро этувчи ва бошқарув органлари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар масъуллари, олим ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўнгги йилларда мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш соҳасидаги чора-тадбирлар дастури ҳамда 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш ҳамда унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат органлари аралашувини қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Айни чоғда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2012 йилда вилоят бўйича 2366 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган. Улар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми олдинги йилдагига нисбатан 115 фоизга ўсган. Экспорт ҳажми 111 фоизга ошиб, 62,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган, унинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши эса 18 фоизгача кўтарилгани эътирофга лойиқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан 286,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Бу кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан 32 фоизга кўпдир. Инвестиция дастурлари ҳамда бошқа дастурларни амалга ошириш натижасида 2012 йилда вилоятда 88 794 та иш ўрни яратилган.

Семинарда вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига халал бераётган айрим тўсиқларни бартараф қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил этилди.

Муҳокама чоғида семинар қатнашчилари ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун кичик бизнес субъектларини ахборот билан тўла таъминлаш бўйича интерфаол хизматларни бундан буён ҳам жорий этиш зарурлигига тўхталиб ўтдилар. Шу билан бирга, вилоят тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисобот топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтилишини таъминлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Матбуот хизмати.

Истиқболли лойиҳалар, эзгу амалиётлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу пайтгача вилоят ишлаб чиқаришида, асосан, енгил саноат устунлик қилган бўлса, эндиликда қарор талабларига кўра, ҳудудда оммалашиши қийин кечаётган машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, электр жиҳозлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи ривожланиб, сифат босқичига кўтарилади. Бошқача айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича 94 та, қурилиш йўналишида 57 та, машинасозлик, электротехника ва бутловчи қисмлар тайёрлаш борасида 33 та лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, Ҳазорасп туманининг Питнак шаҳарчасида йилига 40 минг дона "Дамас" русумли автомобиль, Урганч туманидаги "Хоразм тек" корхонасида маиший техникалар, "Урганч экскаватор заводи"да замонавий экскаваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Пировардида бугунги кунда вилоятда тайёрланаётган 150 турдаги саноат маҳсулотлари қаторига яна 45 та янги маҳсулот қўшилади.

Айни кунларда вилоятда мазкур дастурда кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини муддатида рўёбга чиқариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилда умумий қиймати 152,1 миллион АҚШ долларилик 137 та лойиҳанинг ижросига киришилди.

Таҳлилларга кўра, барча лойиҳалар ишга туширилгач, 2015 йилга бориб, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳозиргига нисбатан 2,1 баробар ортади. Бу рақам атрофида чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, яқин бир-икки йилда мамлакатимиз иқтисодиётидаги изчил ислоҳотлар самараси хоразмликлар ҳаётида тўлиқроқ намоён бўла бошлайди. Қадимий воҳа янада обод, аҳоли турмуши эса бундан-да фаровонлашади.

Бугун меҳнаткаш хоразмликларнинг руҳи тетик, қадамлари шахдам, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкам. Бу бежиз, эмас, албатта. Зеро, Хоразмда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, юксалишлар олдинда турган улкан ва масъулиятли вазифаларни ҳамжиҳатликда амалга оширишга ундамоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда гиёҳвандлик келтириб чиқарадиган асоратлар, ёшларни бундай иллатлардан асраб-авайлаш ҳақида фикр юритилди. Учрашувда талабалар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

● **Жиззах шаҳар ҳокимлигида "Менинг бизнес ғоям" мавзуида семинар ўтказилди. Унда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес, касаначиликни ривожлантириш ҳамда соҳа вакилларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш масалалари ҳақида сўз борди.**

● Пойтахтимиздаги 69-умумтаълим мактабида "Умумтаълим мактабларида чет тиллари ўқитилишини такомиллаштириш: вазифалар ва муаммолар" мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вакиллари қатнашди. Хусусан, семинарда чет тилларни ўқитишга мўлжалланган таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, бу жараёнда илғор ахборот ва медиатехнологиялардан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

● **Бухоро шаҳрида табиий хом ашёдан гилам ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ягона Комил Бухорий" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Бунинг учун корхонага банк кредити эвазига илғор тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда фаолият бошлаган 15 нафар тўқувчи томонидан ойига қирқ минг квадрат метр маҳсулот тайёрланаяпти.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Имтиёз эвазига янги технология

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Наманган шаҳридаги "Мусаффо полимер" масъулияти чекланган жамиятига берилган солиқ имтиёзидан корхона жамоаси унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширди.

Жараён

Гап шундаки, санитар-техника буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона ўтган йили 20 турдаги маҳсулотни маҳаллий шароитда тайёрлашни ўзлаштиргани ҳисобига 70 миллион сўмга яқин солиқ имтиёзига эга бўлди. Меҳнат жамоаси ушбу маблағни хориждан кучли вакуум остида металлга ишлов берувчи технология сотиб олишга йўналтирди. У жорий этилиши билан бу ерда маҳсулотнинг янги тури — ихчам душхоналар тайёрлана бошлади.

— Йигирма кишилик меҳнат жамоамиз ички бозорни импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари билан таъминлашда фаол қатнашаяпти, — дейди корхона раҳбари Аҳроржон Ҳалимов. — Бултур 3000 донадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг асосий қисмини қишлоқларда барпо этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишига етказиб бердик.

Таъкидлаш керакки, вилоят бўйича саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган 23 та корхона ўтган йил якунларига кўра, 2,5 миллиард сўмликдан зиёд солиқ имтиёзини қўлга киритди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дил сўзи

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор суръатларда ривожланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур соҳага қаратилаётган эътибор қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда. Бу ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференцияда яна бир карра эътироф этилди.

Ташаббускорликка чорловчи куч

Ушбу анжуманда қатнашиб, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари мутахассисларининг маърузаларини фахрланиб тингладим. Юртимизда хусусий секторни ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, мулкдорлар молиявий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани, бу, ўз навбатида, уларнинг саноатни ривожлантиришдаги ҳиссаси ошишига хизмат қилаётгани чет элликлар томонидан, айниқса, юқори баҳоланганидан ғурурланиб кетдим.

Чиндан ҳам, бугунги кунда озиқ-овқат саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етакчилик қилмоқда. Сабаби, ички бозор улар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош, сифатли ва арзон маҳсулотлар ҳисобига тўлдирилаяпти. Буни Навоий вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, бизнинг "Қўшчиноргўшт" хусусий ишлаб чиқариш корхонамиз жамоаси аҳоли дастурхонига 30 турдаги колбаса ва гўшт маҳсулотларини узлуксиз етказиб бермоқда.

Корхонамиз хориждан келтирилган энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Шу боис қўл меҳнатига деярли эҳтиёж йўқ. Айни пайтда бу ерда 11 киши хизмат қилаётганини айтиш кифоя. Улар томонидан йилига 140 тоннагача гўшт қайта ишланади.

Ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш мақсадида модернизациялаш тадбирларини ҳам изчил давом эттираяпмиз. Бунда банкдан 100 млн. сўм миқдорида кредит олганимиз қўл келмоқда. Гап шундаки, ана шу маблағ иккинчи цех қурилишига йўналтирилаяпти. Технологик янгилаш ишлари учун жорий йилда ҳам 300 минг евро эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган яна битта линия сотиб олиш ниятидамиз. Пировардида ўндан зиёд қўшимча иш ўрни яратилади.

Кичик бизнес субъектлари доимо давлатимиз диққат-эътиборида эканлиги ишимизга бўлган муносабатни ўзгартириб, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ташаббускори бўлишга ундамоқда. Масалан, ҳозирги кунда шаҳар ва туманлар марказларида корхонамизнинг ўз савдо дўконлари ҳамда шохобчаларини очаяпмиз. Шу билан бирга, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш лойиҳаси устида изланаяпмиз.

Буларнинг барчаси тадбиркорликнинг изчил ривожланиши йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самарасидир. Зеро, биз, ишбилармонларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар салоҳиятимизни тўлиқ юзага чиқаришга, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга чорлайверади.

Анвар ҲАСАНОВ, хусусий корхона раҳбари.

Навоий шаҳри

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилган.

Ўтган даврда, Концепция талабидан келиб чиқиб, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури янги таҳрирда ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Олий суд, Конституциявий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура — жами 50 дан ортиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таклиф ҳамда тавсиялари инобатга олинди. Шунингдек, Германия, Буюк Британия, Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Украина каби давлатлар тажрибаси ўрганилди.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш, ҳокимият ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни оқилона ташкил этиш ҳамда бу йўналишдаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан бевосита боғлиқ, — дейди Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Турғунов. — Шундан келиб чиқиб, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий билимларини янада оширишга жиддий интилмоқдамиз. Тадбирда тизимда йўлга қўйилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди. Эндиликда булардан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятимизни янада кенгайтиришда унумли фойдаланамиз.

— Анжуманда турли мавзудаги маърузаларни эшитиб, видеолавҳаларни томоша қилиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва қўлга киритилган натижалар билан танишдик, — дейди Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти курсанти Акбар Қўшбоқов. — Айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро механизмлари, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда ички ишлар идораларининг ўрни ва вазифалари масалаларида билдирилган фикр-мулоҳазалар жуда қимматли бўлди. Муҳими, бу ерда ўрганганларимиз ўқиш жараёнида, кейинчалик иш бошлаганимизда катта ёрдам беради.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Ҳассос ижодкор, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 530 йил тўлди. Ул зотнинг машаққат ва Ватан соғинчи билан ўтган умри, ижодий мероси авлодлар учун ҳар доим ибрат бўлиб қолаверади. Унинг беназир шахс эканлигини эътироф этган хорижликларнинг фикрларидан руҳланамиз.

Ҳаётни севди, яхшиликни куйлади

Ҳиндистоннинг донишманд фарзанди, буюк давлат арбоби Жавоҳирлаъл Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг очилиши” ва “Жаҳон тарихига бир назар” асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида самимиятга тўлиқ ушбу фикрларни изҳор этган: “Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган”.

Эсимда, 1964 йилнинг 4-11 январь кунлари Деҳлида шарқшуносларнинг 26-илмий Халқаро конгресси бўлиб ўтган эди. Шу муносабат билан Ҳиндистон миллий музейида санъат, қўлёзмалар кўргазмаси ўтказилади ва унда Бобурнинг Рампур кутубхонасида сақланаётган муқоваси безакли, олтин сувлари юритилган 38 саҳифадан иборат кичик бир қўлёзмаси ҳам бор эди.

Унда Хожа Аҳрорнинг “Волидия” асаридан Бобур таржима қилган парча, бир тўлиқ ғазал, бошқа ғазаллардан байтлар, 20 та рубоий, 15 та фард, маснавийлардан парчалар мавжуд. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, покистонлик олим Саид Ҳисомиддин эътирофича, икки рубоийнинг биринчи байтлари Бобур қўли билан ёзилган экан.

Ҳошияда Шоҳ Жаҳон бек, Жаҳонгир подшоҳ бек, Акбар подшоҳ бек, Ҳумоюн подшоҳ бек, Бобур подшоҳ деган ёзувлар кўзга ташланади. Кўринадики, бу қўлёзмада Бобур ва Шоҳ Жаҳоннинг дастхатлари бор.

Кейинчалик “Бобурнинг Ҳинд девони” деб номланган бу қўлёзманинг микрофильмини профессор Рахул Ўзбекистондан халқаро конференцияда қатнашган Сабоҳат Азимжоновага юборади. Олима 1966 йилда ўша китобни юртимизда ҳам нашр эттирган. Китобда девоннинг аҳамияти, Бобур ҳаётининг Ҳиндистон даври, унинг адабий муҳити, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда эски ўзбек тили ҳақида маълумотлар берилган. Ўз даврида — Ҳинд девони китобат қилинган пайтда Бобур анчайин хаста, толиққан, кайфияти, руҳияти ҳам маъюс эди. Бинобарин, девондаги шеърларда ҳам бу ҳолат ўз аксини топган:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадир уйқу, чу оқшом бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сайи бу ортадур, ул кам бўладур.

* * *

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

* * *

Эй боди сабо, айла Хуросонға гузар,
Мендин дегил ул ёри паришонға хабар.
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилғайсен,
Эмди бизинг учун айла бу ёнга сафар.

* * *

Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин —
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

* * *

Умр(ни) ғафлат бирла ўткармишмен,
Нафс буйруғи бирла бормишмен.

* * *

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ҳар су,
Оқар сувнинг фироқида кўзумдин ҳар дам оқар сув.

* * *

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир қилибдур.

* * *

Сендин бу қадар қолди йироқ ўлмади Бобур,
Маъруз тут, эй ёрки, тақсир қилибдур.

Суйима ҒАНИЕВА,
профессор.

Бебаҳо мерос эъзози

Андижон машинасозлик институтида ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси, шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, институт профессор-ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар буюк аждодимиз томонидан яратилган бебаҳо меросни ўрганиш, унинг жаҳон илм-фани ривожидаги ўрни, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Айтиш керакки, буюк мутафаккир илмий-ижодий меросини ўрганишда, тарғиб-ташвиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Бобур халқаро жамғармаси томонидан амалга оширилган хайрли ишлар ҳам эътирофга молик.

Тадбир якунида талабалар томонидан Бобур ижодидан намуналар ўқилди, унинг ғазалларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ватан муқаддасдир

Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, танлов асосида саралаб олинган йигит-

Тадбир

лардан бир гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Унда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Касб-ҳунар коллежида устозларимдан яхши билим олдим. Спорт билан ҳам шуғулланиб тураман, — дейди Тўрткўл туманидан чақирилувчи Асқарбек Дилмонов. — Мана шу икки жиҳат менга муддатли ҳарбий хизматга бориш учун топшириладиган синовларда қўл келди. Армияга кетаётганимдан, айниқса, яқинларим хурсанд. Бу мен учун жудаям муҳим. Чунки уларнинг қўллаб-қувватлаши, оқ йўл тилаши зиммамдаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилиб, муқаддас бурчимни шараф билан адо этишимда катта далда бўлади.

Маросимда санъат усталари томонидан ижро этилган концерт дастури тадбирга янада файз киритди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Океан ортида табиат синовлари

АҚШнинг Миссисипи штатида торнадо юз берди.

Оқибатда 13 киши ҳаётдан кўз юмди. Штатнинг Мэрион ва Форест округларида кўплаб тураржой бинолари ва автомобилларга зарар етди. Айрим ҳудудлар электр таъминотидан узилиб қолди.

Мамлакатнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Коннектикут, Массачусетс штатларида истиқомат қилувчи фуқаролар эса кучли қор бўронларидан азият чекмоқда. Бу ерларда қарийб 700 минг нафар аҳоли электр тармоғи ва иссиқлик манбаисиз қолган. Ноқулай об-ҳаво шароити аэропортлар фаолиятини ҳам издан чиқарди.

Энг мақбул чора

Буюк Британиянинг “Barclays” банки ўз харажатларини 10 фоизга қисқартирмоқчи.

Шу орқали молия муассасаси бир йилда 2,36 миллиард фунт-стерлинг миқдоридаги маблағ тежалишига умид қилаяпти. “Файнэншл таймс” нашри хабарига қараганда, банк икки минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш эвазига ана шу режасини рўёбга чиқариш ниятида.

Мурожаат қисман қаноатлантирилди

Еврокомиссия Франциянинг “PSA Peugeot Citroen” автомобилсозлик компаниясини молиявий таназзулдан сақлаб қолиш бўйича таклиф қилган режасини қисман маъқуллади.

Гап шундаки, Франция ҳукумати ташкилотдан компанияни қайта оёққа турғазиш учун етти миллиард евро миқдорида кредит сўраган эди. Еврокомиссия ушбу маблағнинг 1,2 миллиардини ярим йил муддатга беришга рози бўлди.

“PSA Peugeot Citroen” ўтган йилнинг июль ойида Франция ҳукуматидан иқтисодий кўмак сўраган. Аммо ўшанда унга амалий ёрдам кўрсатилмаган. Натижада компания 2012 йилни 4,7 миллиард евро миқдоридаги зарар билан якунлади.

Тимсоҳ билан видолашишди

Филиппиннинг Бунаван қишлоғида Ер юзидаги энг узун тимсоҳ ўлди.

Оғирлиги бир тонна, узунлиги эса 6,17 метрга тенг бўлган мазкур жонзот 2011 йил маҳаллий аҳоли томонидан ушланган эди. Тимсоҳ шу пайтгача истироҳат боғларидан бирида махсус қафасда сақлаб келинган.

Бу воқеа шу ерлик одамларга шунчалик таъсир кўрсатдики, кўпчилик изтиробга тушиб тимсоҳ билан йиғлаб видолашган.

Ғолибларга «Олтин ниқоб»

Буюк Британия кино академиясининг нуфузли мукофоти — “BAFTA” ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу гал олтмиш олтинчи бор ташкил этилган танловнинг “Энг яхши фильм” номинациясига “Арго” операцияси” фильми лойиқ, деб топилди. Шунингдек, “Энг яхши режиссёр” ва “Энг яхши монтаж” йўналишлари учун бериладиган соврин ҳам ушбу фильм ижодкорларига насиб этди. Ғолибларга “BAFTA” мукофотининг рамзий ҳайкалчаси — “Олтин ниқоб” топширилди.

Кема манзилига ета олмади

Мексика кўрфазида 3,1 минг нафар йўловчини олиб кетаётган “Карнивал Триумф” кемасида фавқулодда ҳолат рўй берди.

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, кемада ёнғин чиққани оқибатида унинг двигатели бузилган. Айни пайтда йўловчиларни хавфсиз ҳудудларга олиб ўтиш масаласи кўрилмоқда.

“Карнивал Триумф” компанияси маъмурияти вужудга келган мазкур кўнгилсиз воқеа учун барча йўловчилардан узр сўраб, уларга йўлкирага сарфлаган пуллари қайтарилишини билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Ўзбекистон фан арбоби, фармацевтика фанлари доктори, профессор

Ҳамид Холматович ХОЛМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

● Реклама ва эълонлар ●

«GM Ўзбекистон» ЁАЖ компаниясининг расмий дилери

«ХУМО-АВТОСАВДО» МЧЖ

эркин равишда 2013 йилга автомобиль нархидан 85% олдиндан аванс тўлови қабул қилган ҳолда, қуйидаги автомобиль моделларига шартнома бермоқда:

«COBALT», «LACETTI» (III позиция), «CAPTIVA», «MALIBU».

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод мавзеси, 4-даҳа. Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 224-90-29, (+99893) 575-71-79.

210R/139

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2010 йил 24 майдаги 13478/22, 11415/23-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчасидаги 7-уй такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 674 563 602 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 1 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 7 ноябрдаги 22512-13/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 10-мавзе, 75-сонли автомобилларни қўйиш шохобчаси қаторидаги «Г» автомобиль ювиш шохобчаси ва «Д» омборхонаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 18 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 18 март кунидаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 2 апрель куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.

Лицензия: RR-0052.

225R/121

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 19 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 13 июлдаги 1-2640/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Г. Узоқов кўчаси, 60-«А» уй, 159-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 52,40 кв.м., яшаш майдони 35,04 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой.

Бошланғич нархи — 35 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Г. Узоқов кўчаси, 60-«А» уй, 160-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 50,82 кв.м., яшаш майдони 32,52 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой.

Бошланғич нархи — 35 000 000 сўм.

II. Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 3 сентябрдаги 10-1208/10745-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хўжакент» ҚФЙ ҳудудидаги 0,093 гектар ер майдонида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 435,22 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 3 қаватли нотураржой биноси.

Бошланғич нархи — 625 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 3 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» «Мирзо Улуғбек» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

* * * * * БИЛДИРИШ * * * * *

1. «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 5 февраль кунидаги 24-сонида эълон қилинган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 61-59-57-уйларда жойлашган кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 1 февраль кунидаги хатига асосан тўхтатилди.

2. «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 11 январь кунидаги 7-сонида эълон қилинган Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 29 январь кунидаги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

Лицензия: № RR-0017.

226R/1192

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2013 йил 5 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

— Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон тумани судининг 2011 йил 7 апрелдаги 1-341-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ОАТБ «Агробанк» Термиз шаҳар филиалида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «MATIZ BEST» русумли, давлат рақами 75 S 240 AA.

Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм.

— Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 7 октябрдаги 19-1103/11822-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар «Ипотека-банк»да сақланаётган, «ТТЗ-80.11» русумли трактор.

Бошланғич баҳоси — 21 955 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 5 март кунидаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уйда ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 1 ва 20 март кунлари соат 18.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот учун манзил: Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Телефон: (+99898) 100-86-86.

Гувоҳнома № 004059.

224R/870

ООО «MASTER STEEL»

изготавливает оборудование для:

производства молочных продуктов

производства пищевых продуктов и концентратов

сельского хозяйства

фармацевтических компаний

химической отрасли

Тел.: (+99898) 127-14-06, (+99891) 134-88-07. Тел./факс (+99871) 262-58-83.

124R/1404

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2012/2013 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича

Умаралиева Гулсарвиноз Ёдгоровна
(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 3 октябрда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти "Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиши билан бир қаторда, умумхалқ байрамлари, тадбирлар ва спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Институт талабалари орасида ўзининг намунали хулқи, масъулияти ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Таълим олиш билан бирга, тадбиркорликни ҳам самарали юритмоқда. Ҳозирги вақтда "Икки ҳосилли экин сифатида картошка янги навларини ўстириш технологияси ва самарадорлигини ўрганиш" мавзуида изланишлар олиб бормоқда.

Эльмуратова Дилрабо Ғайрат қизи
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 18 июнда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент кимётехнология институти "Маҳсулот сифати менежменти" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, республика ва институт миқёсидаги турли илмий-амалий анжуманлар, умумхалқ байрамлари ва тадбирларда ҳам ўзининг билими, иқтидори билан фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган.

Замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва компьютерлаштириш соҳасида ҳам амалий натижаларга эришмоқда. Айни вақтда "Интегрирланган менежмент тизимларини жорий қилган корхоналарда ички аудитларни режалаштириш ва ўтказиш" мавзуида тадқиқот ишларини амалга ошираяпти.

Ганиева Умида Музаффарбековна
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 17 январда Андижон вилоятида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институти "Педиатрия иши" таълим йўналиши 7-курс талабаси. Ўқишда эришган юқори рейтинг натижалари билан бирга, халқаро ва республика илмий журнал ҳамда тўпламларида долзарб мавзулардаги илмий-оммабоп, мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Институтдаги барча жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда, жумладан, спорт мусобақаларида фаол иштирок этади. Инглиз ва немис тилларида эркин сўзлашади.

Шу кунларда "Андижон вилояти аёлларидаги атеросклерозни қиёсий таққослаш" мавзуида тадқиқот ишлари билан банд.

Матякубов Нурбек Райимберганович
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 19 майда Хоразм вилоятида туғилган. Урганч давлат университети "Тарих" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва университет миқёсидаги кўрик-танловлар, илмий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Илмий қиммати юқори тарихга доир мақолалари мамлакатимиз ва хориждаги илмий тўпламлардан жой олган. Айни вақтда "Хоразм илк ўрта асрлар даври тарихининг долзарб муаммолари" мавзуида тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Пирнапасов Аброр Толибович
(Табиий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 14 ноябрда Бухоро вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Математика" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва халқаро миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Институтда барча жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда, жумладан, спорт мусобақаларида фаол иштирок этади. Инглиз ва немис тилларида эркин сўзлашади.

Шу кунларда "Андижон вилояти аёлларидаги атеросклерозни қиёсий таққослаш" мавзуида тадқиқот ишлари билан банд. 2009 йилда Германиянинг Бремен шаҳрида математика фанидан ўтказилган 50-Халқаро фан олимпиадасида иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритган. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган.

Маънавий-ахлоқий фазилатлари таълим ва илмий изланишлари соҳасидаги ютуқлари билан уйғун. Ҳозирги вақтда "Квадратик операторлар назарияси ва генетик алгебралар" мавзуида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Аллакулиев Акмал Балтаевич
(Бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 10 ноябрда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент молия институти "Молия" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўзининг намунали хулқи, билими ва тиришқоқлиги, барча фанларни тўлиқ ўзлаштириб олиши билан институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида ҳурмат қозонган. Институт миқёсида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда мунтазам равишда фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган.

Бугунги кунгача бир монография, республика ҳамда халқаро конференция тўпламларида, турли газета ва журналларда 30 дан ортиқ илмий-оммабоп мақола чоп эттирган. Ҳозирги кунда "Замонавий молиявий сиёсатда бюджет жараёни: замонавий қарашлар ва янгича талқинлар" мавзуида тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

Мурадова Муяссархон Каримжон қизи
(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 29 январда Наманган вилоятида туғилган. Наманган муҳандислик-педагогика институти "Касб таълими (Молия)" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги кўрик-танловлар, илмий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Ҳозирги кунда "Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион технологиялар" мавзуида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Турдиалиева Таҳмина Хусановна
(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 23 сентябрда Қашқадарё вилоятида туғилган. Тошкент архитектура-қурилиш институти "Дизайн" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, фан олимпиадасининг республика босқичида 2011 йил архитектура ва дизайн фанидан иккинчи ўринни, 2012 йил дизайн фанидан биринчи ўринни эгаллаган. Шахмат спорт тури бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этган. Немис ва инглиз тилларини мукаммал ўрганган.

Унинг интилишлари келажакда ўз мутахассислиги бўйича етук кадр ва баркамол инсон бўлиб етишишига ишонч беради. Айни вақтда "Ўзбекистон меъморчилигида анъанавийлик ва замонавийлик" мавзуида изланишлар олиб бормоқда.

Яхяева Навруза Холбутаевна
(Хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 21 мартда Сирдарё вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Таржима назарияси ва амалиёти" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва университет миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда ўзининг долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашади. Умумхалқ байрамлари, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларининг фаол иштирокчиларидан саналади. Инглиз ва япон тилларида эркин сўзлашади.

Ҳозирги вақтда "Инглиз тилидаги "идиома" (сўз бирикма)ларининг оғзаки нутқда қўлланилиши ва таржимадаги ўрни" мавзуида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ёвқочев Шерзод Шухрат ўғли
(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 12 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти "Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқиш давомида юқори рейтинг натижаларига эришиши билан бирга, республика ва институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади.

Иқтисодиётда етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш унинг илмий изланишларининг доирасини ташкил этади. Ҳозирги вақтда "Хитой Халқ Республикаси фонд бозорларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари" мавзуида изланишлар олиб бормоқда.

Абидов Бобуржон Тохир ўғли
(Журналистика таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 7 январда Наманган вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Журналистика" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Халқаро ва республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва танловларда мунтазам равишда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2008-2009 йилларда рус тили фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг республика босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, диплом ва гувоҳнома билан тақдирланган. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган.

Айни пайтда "Ўрта Осиё минтақасидаги информацион жараёнлар" мавзуига бағишланган илмий тадқиқот иши билан шуғулланмоқда.

Магистратура мутахассисликлари бўйича

Абдурахманов Илхом Исакович
(Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 22 июнда Наманган вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти "Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларга эришганлиги билан бир қаторда, халқаро, республика ва институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда ўз илмий мақола, тезис ва маърузалари билан қатнашиб келмоқда. Институтда ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган.

Ҳозирги кунда "Ер деградацияси омиллари ва уларни бартараф қилиш услубларини такомиллаштириш" мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Алиева Анна Валерьевна
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассисликлари бўйича)

1983 йил 1 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти "Эндокринология" мутахассислиги 3-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда ўзининг долзарб мавзулардаги мақола ва маърузалари билан мунтазам қатнашиб келади. Умумхалқ байрамлари, тадбирлар ва спорт мусобақаларида ўзининг иқтидори ҳамда тиришқоқлиги билан фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз ва француз тилларида эркин сўзлашади.

Ҳозирги вақтда "Гликемия ва инсулинорезистентликнинг шифохона ва тажрибадаги баъзи бир солиштирма анализ кўрсаткичлари" мавзуида илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

Бобожонова Зарнигор Шокировна
(Бизнес ва бошқарув мутахассисликлари бўйича)

1990 йил 4 апрелда Қашқадарё вилоятида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, республика ва университет миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманларда, кўрик-танловларда ҳам мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2010 йили Навоий номли Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз, немис тилларини ўзлаштирган.

Ҳозирги кунда "Ижтимоий соҳа иқтисодиётини сенергетик ривожлантириш йўналишлари" мавзуига бағишланган илмий изланишлар олиб бораяпти.

Ишмухамедов Тимур Рафаэльевич
(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 31 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти "Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги кўрик-танловлар, илмий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда юқори натижаларга эришганлиги, спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлиқ ва мақтов ёрлиқлари билан тақдирланган. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган.

Ҳозирги кунда "Юнон-рим курашчиларининг мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш асосида техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштириш" мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Алдабергенов Исатай Маратович
(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича)

1988 йил 24 сентябрда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Қорақалпоқ давлат университети "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларга эришиш билан бирга, ўқув юрти томонидан ўтказилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларида, маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган.

Шу кунларда "Жамоат назорати тизимида ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш муаммолари" мавзуида илмий изланишларни олиб бормоқда.

Арутюнов Артур Андреевич
(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)

1990 йил 29 апрелда Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали "Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириши билан бирга, университетда ўтказиладиган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Республика ҳамда университет миқёсидаги илмий анжуманларда мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда "Электрон ҳужжат алмашинувини замонавий тармоқ технологияларидан фойдаланиб автоматлаштиришнинг дастурлар пакетини яратиш" мавзуида илмий изланишлар билан шуғулланмоқда.

Каланова Дилноза Темуровна
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Лингвистика (тиллар бўйича)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқиш давомида бир қанча ютуқларга эришганлиги билан бирга, республика ва университет миқёсидаги турли илмий-амалий анжуманлар, умумхалқ байрамлари ва тадбирларда ҳам ўзининг билими, иқтидори билан фаол иштирок этиб, диплом, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган.

Айни вақтда "Расмий услубнинг лексик-семантик хусусиятлари" мавзуида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Нарзуллаева Нодира Сайдуллаевна
(Педагогика мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 15 июлда Навоий вилоятида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети "Мусиқа таълими" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори натижаларга эришаётганлиги билан ажралиб туради. Республика ва университет миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий анжуманлар ва спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб келмоқда. 2010 йилда Навоий номли Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва француз тилларида сўзлаша олади.

Айни вақтда "Мустақиллик йилларида умумтаълим мактабларида мусиқий таълим тараққиёти" мавзуида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Одилова Матлуба Уктамовна
(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)

1988 йил 31 августда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд давлат чет тиллари институти "Лингвистика (немис тили)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, республика ва институт илмий журнал ҳамда тўпламларида чоп этилган долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари унинг илмий салоҳиятидан дарак беради. Институтда ўтказиладиган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Немис ва инглиз тилларини ўзлаштирган.

Айни вақтда "Ҳозирги замон немис тилида номинатив фразаларнинг семантик хусусиятлари" мавзуига бағишланган илмий иш билан шуғулланмоқда.

Алиева Татьяна Асадуллаевна
(Журналистика мутахассисликлари бўйича)

1989 йил 13 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Халқаро журналистика" мутахассислиги 2-курс талабаси. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий журнал, газета ва тўпламларда ўз илмий мақола ва тезисларини эълон қилган. Журналистика соҳасига бағишланган кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, бир қатор диплом ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини юқори даражада ўзлаштирган.

Ҳозирги вақтда "Ўзбекистон телевидениесида самарали ижтимоий рекламани яратиш муаммолари" мавзуига бағишланган илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5